

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Үн.23.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АЗИЗОВ НИҒМОНЖОН ПАРДАЕВИЧ**

**XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ТУРКИСТОН  
СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ДАСТУРЛАРИДА  
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи;  
ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик (DSc) диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)**

**Азизов Нигмонжон Пардаевич**

XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон сиёсий партиялари  
дастурларида давлат ва ҳуқуқ масалалари ..... 3

**Азизов Нигманжон Пардаевич**

Вопросы государства и права в программах политических партий  
Туркестана в первой четверти XX века ..... 35

**Azizov Nigmanjon Pardaeovich**

State and law issues expressed in the programs of political parties in  
Turkistan in the early XX th century ..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 70

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АЗИЗОВ НИҒМОНЖОН ПАРДАЕВИЧ**

**XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ТУРКИСТОН  
СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ДАСТУРЛАРИДА  
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи;  
ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Yu1 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.dba.uz/uz/tad-i-otchilarga/ilmiy-kengash](http://www.dba.uz/uz/tad-i-otchilarga/ilmiy-kengash)) ва «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz)) жойлаштирилган

**Илмий маслаҳатчи:** **Тошқулов Жўравой Ўринбоевич**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Муҳиддинова Феруза Абдужаббаровна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Маматов Худоёрхон Тешаевич**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Турғунов Илхом Турғунович**  
юридик фанлар доктори

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz.

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.Р. Маликова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
юридик фанлар доктори, доцент

**Г. Исмаилова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби юридик фанлар доктори

**И.А. Хамедов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси  
юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати.** Инсоният тарихида сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши инсон ва халқ манфаатини ҳимоя қилиш, талаб ва истакларини тўлиқроқ ифодалаш имкониятини вужудга келтирди. Инсоннинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб боргани сайин сиёсий партияларга эҳтиёж ортиб, ижтимоий тараққиёт қонуниятига айланди. Сиёсий тизимда партияларнинг мустаҳкам ўрин эгаллаши жамият тараққиётида барқарорлик, тизимлилик бахш этди, турли-туман манфаатлар ва қарашларнинг уйғунлигини таъминловчи омилга айланди. Шу сабабли бутун дунёда сиёсий партиялар фаолиятини, улар билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни, давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотларини илмий тадқиқ этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг илғор ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин олишга интилаётган Ўзбекистон учун, жамият сиёсий ва ҳуқуқий тизимини замон талаблари асосида ислоҳ этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли таъминлаш, халқ ҳокимиятчилигини қарор топишида сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, халқнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Сиёсий партияларнинг жамият сиёсий тизимида тутган ўрни ва ролини кучайтириш, уларни халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишда муҳим восита сифатида шакллантириш, кенг оммани давлат ҳокимиятига янада яқинлаштириш, кўппартиявийлик тизимини қарор топишига эришиш, сиёсий партияларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишининг ташкилий-ҳуқуқий механизминини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш ўта муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Яна бир муҳим масала – барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш керак»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2007) конституциявий қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги (2004), «Парламент назорати тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017) фармонлари, Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ Сўзи, 2017. 23 дек.

Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017), «Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2018) фармойишларида ифодаланган қоидаларни амалга оширилишида, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини юксалтиришда, кўппартиявийлик тизимининг қарор топишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида 2017–2020 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар давлат илмий-техника дастурининг «**Ф 1. Жамиятни ривожланиши, давлат ва ҳуқуқ назарияси, иқтисодиёт рақобатбардошлиги**» устувор йўналишига мос келади.

**Диссертация мавзуга оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** XX асрнинг биринчи чорагида Туркистондаги сиёсий партияларнинг вужудга келиши, фаолияти, умумроссия ва маҳаллий сиёсий партияларнинг ўзаро муносабати, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат тузумини ислоҳ этиш, суд-ҳуқуқ тизимини халқ манфаатларига мос равишда такомиллаштириш, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ғояларининг амалга оширилиши, давлат мустақиллигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий чоралари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги ғоялари хорижий мамлакатларнинг илмий тадқиқот марказлари ва университетлари томонидан қисман ўрганилган. Жумладан, Гарвард, Лондон, Оксфорд (Буюк Британия), Вашингтон, Нью Йорк, Кембридж, Массачусетс, Чикаго, Техас (АҚШ), Бонн, Геттинг, Лейпциг, Мюнхен (Германия), Будапешт (Венгрия), Анкара, Истамбул (Туркия), Сеул (Жанубий Корея), Париж (Франция) университетларида тадқиқ этилган.

XX аср бошларида Туркистондаги сиёсий партиялар дастурларида давлат ва ҳуқуқ масалаларининг ифодаланиши мавзуга тадқиқотлар олиб борилиши натижасида қатор илмий хулосалар чиқарилган. Хусусан, Буюк Британия Гарвард, Лондон, Оксфорд университетлари, Ўрта Осиёни тадқиқ этиш жамиятида XX аср бошларида Туркистонда фаолият кўрсатган сиёсий партиялар, ўша даврда Россия парламенти таркибидаги Туркистон ўлка

---

<sup>1</sup> Диссертация мавзуга оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. *Cole J.D.H.* Capitalism in the Modern World. London, 1957; *Footman A.* The Russian Revolution. London, 1962; *Федченко П.* Новая «История КПСС». Исследования и материалы института по изучению СССР (серия 1-я, выпуск 56). Мюнхен, 1960; *Wren M.* The course of Russian History. New York, 1958; *Moorhead A.* The Russian Revolution. London, 1958; *Radkey O.* Alternativa of Bolshevism. The Programm of Russian Social-Revolutionary Party. – «The Journal of Modern History», vol. XXV, New York, March 1953; *Пайпс Р.* Русская революция / Ричард Пайпс. – М.: Захаров. – 2005. Кн.2: 1917 – 1918. Большевики в борьбе за власть/ Пер.с англ.Н.Кигаи. – 716 с.; *Пайпс Р.* Русская революция / Ричард Пайпс. – М.: Захаров. – 2005. Кн.3 : 1918-1924. Россия под большевиками/ Пер.с англ.: М.Тименчика, Н.Кигаи. – 696 с; *Hayit B.* «Basmacilar»: Turkistan milli mucadele tarihi (1917–1934). – Ankara: Turkiye diyanet vakfi yayinlari, 1997. – 367 s.

мусулмонлари фракциясининг дастурий ҳужжатлари, истиқлол учун кураш олиб борган сиёсий ҳаракатларнинг дастурлари тўпланган, ўрганилган ва нашр этилган; Вашингтон, Нью-Йорк, Массачусетс, Техас университетларида Қўқон мухториятининг вужудга келиши ва тугатилиши, большевиклар томонидан қурол кучи билан мухториятнинг бостирилиши, Ўрта Осиёда миллий озодлик кураши бошланганлиги таҳлил қилинган; Кембридж, Чикаго (АҚШ), Будапешт (Венгрия), Анқара, Истамбул (Туркия) университетларида Ўрта Осиёда социалистик инқилоб учун шарт-шароит бўлмаганлиги, инқилобий ҳаракатлар шаклланмаганлиги, шунинг учун ўлкани советлаштириш фақат қурол кучи билан амалга оширилганлиги, совет ҳукумати куч билан кўп миллатли давлат барпо этганлиги тадқиқ этилган; Туркистон сиёсий партиялар асосчиларининг фаолияти, уларнинг давлатчилик ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғоялари, Туркистон халқларининг озодлик учун қуролли кураши масалалари Геттинг, Лейпциг, Мюнхен (Германия), Сеул (Жанубий Корея), Париж (Франция) университетларида ўрганилган.

Ҳозирги кунда дунёда XX аср бошларида Туркистон сиёсий партияларининг фаолияти ҳамда давлат ва ҳуқуққа оид ғояларини ўрганиш учун қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Туркистон маҳаллий партияларининг шаклланиши, таркибий тузилиши, ҳаракатлантирувчи кучлари ва фаолияти; Туркистон сиёсий партияларининг дастурлари ва бошқа муҳим ҳужжатлари; Туркистон сиёсий партиялари асосчиларининг давлат ва ҳуқуққа доир ғоялари.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда фаолият кўрсатган сиёсий партияларнинг ташкил топиши, сиёсат саҳнасига чиқиши, халқ манфаатларини ифодалаши, ривожланиши ҳамда таназзулга юз тутишининг сабаблари каби масалалар доимо тадқиқотчилар эътиборини тортиб келган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон халқларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари, айниқса XX аср бошларида фаолият кўрсатган маҳаллий сиёсий партияларнинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари тарихчи, файласуф, адабиётшунос тадқиқотчилар томонидан жиддий ўрганила бошланди.

Маҳаллий сиёсий партияларнинг ташкил этилиш сабаблари, мақсад ва вазифалари, дастурларида илгари сурилган сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ушбу партияларни ташкил этиш ва дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган Аҳмад Заки Валидий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний эсдалик, мақола ва бошқа асарларида ёритилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> *Мунаввар қори Абдурашидхонов*. Танланган асарлар.–Т.: «Маънавият», 2003. – 304 б.; *Абдуллоҳ Ражаб Бойсун*. Туркистон миллий ҳаракатлари. – Истанбул, 1945; *Али Бодомчи*. 1917-1924 йиллардаги Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошшо. Қўрбошилар. II жилд. Истанбул, 1975; *Маҳмудхўжа Бехбудий*. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 1997; *Аҳмад Заки Валидий*. Рус мустамлака сиёсатининг моҳияти ва мақсади. – Вена. 1929; *Мустафо Чокай-оглы*. Туркестан под властью советов (к характеристике диктатуры пролетариата). – Париж, 1935; Программные документы мусульманских политических партий 1917-1920 гг. – Оксфорд, 1985.

XX аср бошларида Туркистонда рўй берган сиёсий воқеалар айниқса тарихчиларнинг диққат-эътиборини тортди. Р. Абдуллаев, С. Аъзамхўжаев, Ҳ. Зиёев, Д. Зияева, Т. Котюкова, Ш. Турдиев, Р. Шамсутдинов, Б. Қосимов, Қ. Ражабов, Б. Ҳасанов каби тарихчи олимлар Чор Россияси мустамлакаси даврида Туркистон ўлкасининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий аҳволи, мустабид тузумга қарши курашлар тарихини, Ўзбекистон халқларининг мустақилликка интилишларини ўргандилар<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё халқларининг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ҳуқуқшунос олимлар назаридан ҳам четда қолмади. Ўлкамиз халқларининг XX аср бошларида давлатчилик ва ҳуқуққа оид ғоялари Ҳ. Бобоев, Ф. Мухитдинова, Х. Назаров, Ж. Тошқулов, Р. Шарипов, М. Эргашева каби мутахассислар томонидан ўрганилган<sup>2</sup>.

Туркистон сиёсий партияларининг фаолияти ва сиёсий дастурлари хорижий тадқиқотчиларни ҳам ўзига жалб этиб келган. Хорижий тадқиқотчилар томонидан Туркистонда фаолият кўрсатган умумроссия ва маҳаллий партиялар, уларнинг вужудга келиши ва фаолияти, дастурлари ўрганилган<sup>3</sup>.

Шу билан бирга, XX асрнинг биринчи чорагида Туркистондаги сиёсий партияларнинг дастурларидаги давлат ва ҳуқуқ масалалари умумроссия сиёсий партиялари билан ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан қиёслаб яхлит ҳолда алоҳида тадқиқот мавзуи бўлмаган.

**Диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг 2016–2018 йилларга мўлжалланган истиқболли дастурининг «Давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ҳуқуқни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш» мавзуидаги илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XX аср бошларида Туркистондаги сиёсий партиялар дастурларида ифодаланган давлат ва ҳуқуқ масалаларини ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан комплекс қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>1</sup> *Абдуллаев Р.* Туркестанские прогрессисты и национальное движение // Звезда Востока, 1992. №1, – С. 106–113; *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти. –Т. 1996; *Зияева Д.* Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати XX аср тарихнавислигида (1916 йил кўзғолони ва 1918–1924 йиллардаги истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари): т.ф.д. ... дис. автореф. – Т., 1999; *Алимова Д., Голованова А.* Узбекистан в 1917–1990 годы: противоборство идей и идеологии. – Т., 2002; *Котюкова Т.В.* Проблемы Туркестана в центральных законодательных органах власти Российской Империи, 1905-1917 гг. Автореф. дисс... на соис. учен. степени канд. ист. наук. – Т., 2001. – 24 с.; *Мингноров А.* Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (миллий матбуот материаллари асосида). – Т. 2002.

<sup>2</sup> *Бобоев Ҳ.Б. ва бошқа.* Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. – Т., 2003; *Тошқулов Дж.У.* Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т. 4. –Т. 1994; *Шарипов Р., Мухитдинова Ф.* Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи: XIX аср охири XX аср бошлари. – Т., 2004; *Ўзбекистоннинг янги тарихи / Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев (раис) ва бошқ.* – Т. 2000;

<sup>3</sup> Қаранг: *Cole J.D.H.* Capitalism in the Modern World. London, 1957; *Footman A.* The Russian Revolution. London, 1962; *Федченко П.* Новая «История КПСС». Исследования и материалы института по изучению СССР (серия 1-я, выпуск 56) Мюнхен, 1960.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

XX аср бошларида Туркистон сиёсий партиялари асосчиларининг давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, тараққиёти, моҳияти, вазифа ва шакллари, жамият ҳаётини замонавий негизларда ислоҳ этиш тўғрисидаги ғояларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш;

жамият суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ғояларининг партиялар дастурларида ифодаланишини қиёсий тадқиқ этиш;

партиялар дастурларида давлат ва ҳуқуқнинг умумий масалалари – давлат ва ҳуқуқ тушунчаси, вужудга келиши, моҳияти, шакллари, функциялари – акс этишини қиёсий-ҳуқуқий ўрганиш;

Туркистон сиёсий партиялари дастурларида келажакда давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини қиёсий тадқиқ этиш;

халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, давлат мустақиллиги ва уни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий чоралари тўғрисидаги ғояларнинг сиёсий партиялар дастурларида акс этилишини илмий жиҳатдан ўрганиш;

партиялар дастурларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг танқиди масаласининг ифодаланишини илмий тадқиқ этиш;

инсоннинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини сиёсий партиялар дастурларида акс этилишини тизимли таҳлил этиш;

қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида Туркистон сиёсий партиялари дастурларида мужассамланган давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғоялар талқини юзасидан тақлиф ва тавсиялар шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объектини** XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда фаолият кўрсатган сиёсий партияларнинг дастурлари, курултой, съезд, пленумларда қабул қилинган дастурий ҳужжатлари, **предметини** ушбу дастур ва ҳужжатларда ифодаланган давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий масалалари, ҳокимиятни амалга ошириш, суд-ҳуқуқ тизими, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги ғоялар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, тарихийлик, мантикийлик, қиёсий-ҳуқуқий каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон ўлкасида фаолият кўрсатган партияларнинг тарихий, сиёсий, ҳуқуқий тажрибаси мустақил Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, жамиятда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга хизмат қилиши асосланган;

социал-демократлар (большевиклар) партияси томонидан Туркистон ўлкасида кўппартиявийлик тизимига барҳам берилиб, зўравонлик билан алоҳида гуруҳ, синф ва табақалар манфаатларига хизмат қилувчи яккапартия ҳокимиятининг ўрнатилганлиги, ижтимоий ҳаётнинг издан чиқишига, инсон

ҳуқуқ ва эркинликлари қўпол равишда бузилишига олиб келганлиги сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан исботланиб, миллий қонунчиликда жамиятни мурасимсиз синф ва табақаларга бўлинишини тарғиб қилувчи партияларнинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатишини тақиқловчи нормалар киритиш лозимлиги асосланган;

ҳокимият учун кураш ва уни қўлга киритиш Туркистон ўлкаси сиёсий партиялари фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этиши исботланиб, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштироки, сайловчиларнинг талаб ва таклифларининг сайловолди дастурларида ифодаланиши, дастурий ғояларининг ҳаётга татбиқ этилиши халқ ҳокимиятчилиги принципларининг тўлиқ рўёбга чиқишига сабаб бўлиши асосланган;

Туркистон ўлкасида XX асрнинг биринчи чорагида фаолият олиб борган партияларнинг вужудга келиши ва тадрижий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган, ўлкада кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши, партияларнинг мақсади, унга эришиш стратегияси ва тактикаси, ижтимоий базаси (электорати) нуқтаи назаридан таснифланган, умумроссия ва маҳаллий партияларнинг дастурий ғояларига туб жой аҳоли вакиллари муносабати қиёсий таҳлил қилинган ва баҳо берилган;

XX асрнинг биринчи чорагида сиёсий партияларнинг ташкил этилиши ва фаолиятида Туркистон ўлкаси кенг халқ оммасининг фаол иштироки сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан кўрсатилиб, жамиятда сиёсий партияларнинг электоратини, соғлом сиёсий рақобат муҳитини шакллантириш, аҳоли кенг қатламлари сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш кўппартиявийлик тизимининг қарор топиши учун зарур омил бўлиши исботланган;

Туркистон ўлкасида фаолият кўрсатган маҳаллий сиёсий партиялар дастурларида халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, давлат мустақиллиги ва уни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий чоралари тўғрисидаги ғоялар мужассам ифодаланиб, ҳаётга татбиқ этишга интилгани, Туркистон Мухторияти – мустақил давлат сифатида сиёсий партиялар фаолиятининг амалий натижаси эканлиги, сиёсий партиялар етакчилари шу йўлда шахид бўлгани асосланган;

XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон ўлкасида сиёсий партияларнинг вужудга келиши, тараққиёти, таснифи, фаолият кўрсатиши, дастурларида давлат ва ҳуқуқ масалаларининг ифодаланиши ҳамда давлат мустақиллигини таъминлаши, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун кураши, сиёсий партиялар фаолиятини ўрганишнинг методологияси сифатида намоён бўлиши илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагиларда кўринади:

Туркистон сиёсий партияларининг шаклланиши, тарихий тараққиёти, уларнинг мустақил Ўзбекистон давлатчилиги ва ҳуқуқи тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш Туркистон ҳудудида фаолият кўрсатган сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган давлат ва ҳуқуққа оид ғояларни тадқиқ этишга, методологик асосларини кенгайтириш ва бойитишга хизмат қилади.

Туркистондаги сиёсий партияларнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларни илмий таҳлил этиш натижасида чиқарилган хулосалар Ўзбекистонда

миллий мустақил давлатчилик ва ҳуқуқ тизими учун кураш тарихини чуқур ўрганишга, унда сиёсий партияларнинг тутган ўрнини аниқлашга имкон беради.

XX аср бошларида Туркистон сиёсий партияларининг вужудга келиши, шаклланиши ва фаолиятини тарихий таҳлил қилиш ҳуқуқий таълимотлар тарихини англашга, Ўзбекистонда демократик институтлар чуқур илдизга эгалигини, кўппартиявийлик тизими тарихан шаклланганлигини исботлашга хизмат қилади.

Туркистон сиёсий партияларининг дастурларида илгари сурилган давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларни ўрганиш юксак маънавийли баркамол авлодни тарбиялашга, ёшларда ватанпарварлик, ўз юрти тарихидан фахрланиш туйғусини шакллантиришга, уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этаётган мустақил Ўзбекистоннинг олий мақсадларига мустаҳкам ишонч ҳосил қилишига кўмаклашади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишининг ҳар бир боби охирида, шунингдек диссертация ишининг якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар давлат ва ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанларида мавжуд назарий қарашларни таҳлил қилиш асосида илгари сурилган.

Хулосалар муаллифнинг тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид қарашлари, таклиф ва мулоҳазалари, нодир асарлар ҳамда архив материалларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишидаги таклиф ва тавсиялар давлат ва ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанларидаги концептуал муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг ечимини топиш зарурати билан боғлиқ ҳолда шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, давлат ва ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида XX аср бошларида Ўзбекистон халқларининг давлатчилик ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғоялари билан боғлиқ мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида тингловчи ва талабаларга таълим-тарбия беришда, уларнинг маънавий-тарихий дунёқарашини шакллантиришга, давлат ва ҳуқуққа оид билимларини чуқурлаштиришда, ҳозирги даврда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган сиёсий партияларнинг дастурлари ва улар ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Туркистон сиёсий партиялари дастурларида давлат ва ҳуқуқ масалаларининг ифодаланиши бўйича олинган натижалар асосида:

сиёсий партияларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш билан боғлиқ таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 15 февралдаги 06/1-05/329 вр – сонли далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш жамиятда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонуни асосида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 15 февралдаги 06/1-05/329 вр – сонли далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш механизмини белгиловчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

сиёсий партияларнинг сайловларда иштироки, сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари, талаб ва истакларининг сайловолди дастурларида мужассамланиши билан боғлиқ таклифлар сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2016 йил 12 декабрдаги далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларини шакллантиришга хизмат қилган;

сиёсий партиялар томонидан ўз электоратини шакллантириш, жамиятда кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш билан боғлиқ таклифлар партиялар фаолиятида, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишда инобатга олинган (Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 2016 йил 12 декабрдаги №01-01/656-сонли маълумотномалари). Илмий натижалардан фойдаланиш жамиятда соғлом сиёсий муҳитни шакллантириш, аҳоли кенг қатламининг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш йўналишларини белгилашда хизмат қилган.

Туркистон сиёсий партияларнинг шаклланиши, сиёсий партиялар асосчиларининг жамият, давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва тараққиёти тўғрисидаги ғояларининг таҳлили, маҳаллий сиёсий партиялар дастурларида халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат мустақиллиги ва уни таъминлаш чоралари тўғрисидаги ғояларининг ёритилганлиги Қатағон қурбонлари хотираси музейи экспозициясининг «Миллий уйғониш ҳаракати, унинг намоён бўлиши ва амалий йўналишлари» ҳамда «Туркистон Мухторият ҳукуматининг тугатилиши ва совет даври қатағон сиёсатининг бошланиши (1917-1924 йиллар)» номли бўлимларини бойитиш, шунингдек, вилоятлардаги олий таълим муассасалари тузилмаларида ташкил этилаётган

Қатағон қурбонлари хотираси музейлари экспозициясининг «Туркистон Мухториятининг тугатилиши ва вилоятда большевиклар ҳокимиятининг ўрнатилиши (1917-1929)» мавзуидаги 3-бўлимни яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси Давлат музейининг 2018 йил 19 февралдаги 39-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ХХ аср бошларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар хусусида янги тарихий тафаккурни шакллантиришга, давлат-ҳуқуқий масалаларни тарихий манбалари асосида очиб беришга хизмат қилган.

сиёсий партияларнинг вужудга келиши, тараққиёти, таснифи, фаолият кўрсатиши, дастурларида давлат ва ҳуқуқ масалаларининг ифодаланиши ҳамда давлат мустақиллигини таъминлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун кураш тўғрисидаги хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вазирлик олий таълим муассасалари учун тавсия қилинган ўзбек ва рус тилидаги «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» (2014) (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2014 йил 10 февралдаги №2/618-сонли маълумотномаси), «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» (2016) (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 8 октябрдаги №2/4202-сонли маълумотномаси) дарсликларининг тегишли бобларида ўз аксини топган. Илмий натижалардан фойдаланиш сиёсий партиялар тарихини ўрганишнинг методологик асосларини ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот ишининг натижалари «Ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови» (Тошкент, 2008); «Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти» (Тошкент, 2010); «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари» (Тошкент, 2011); «Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари» (Тошкент, 2012); «Фуқаролар осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – обод турмуш гарови» (Тошкент, 2013); «Давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ҳуқуқий тизимни модернизациялашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари» (Тошкент, 2013); «Давлат ҳокимияти ва ҳуқуқий тизимни демократлаштиришнинг назарий-ҳуқуқий масалалари» (Тошкент, 2014); «Законность и правопорядок в современном обществе» (Новосибирск, 2016) мавзуларида халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, «Ҳуқуқшуносликнинг долзарб муаммолари» илмий мақолалар тўпламида (Тошкент, 2016) синовдан ўтказилиб, маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуи бўйича жами 34 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (10 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, матни 259 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослангандирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотдан кўзланган мақсад ва бажарилган вазифалар, диссертациянинг объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«XX асрнинг биринчи чорагида Туркистондаги сиёсий партиялар тарихини ўрганиш методологияси»** деб номланган биринчи бобда Туркистонда сиёсий партиялар тушунчаси, белгилари, шаклланишининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлари, тараққиёт босқичлари таҳлил қилинган.

Диссертацияда сиёсий партия тушунчаси, белгилари қиёсий таҳлил қилинган. Сиёсий партияларнинг қуйидаги белгилари ажратиб кўрсатилган: *биринчидан*, сиёсий партиялар қатъий ички тузилишига эга бўлиб, ўзларининг ҳаракат дастури, устави каби манбаларга таянади; *иккинчидан*, уларнинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатишининг бош мақсади ҳокимиятга даъвогарлик ҳисобланади; *учинчидан*, улар муайян ғоя, маслак атрофида уюшган кишилар гуруҳидан иборат; *тўртинчидан*, сиёсий характерга эга.

Диссертацияда XX аср бошларида халқаро майдонда ва чор Россиясида вужудга келган вазият Туркистон халқларининг сиёсий ҳаётида туб бурилиш бошлангани, 1904 йилдаги рус-япон уруши, 1905–1907 йиллардаги инқилоблар эса Россия империяси давлат устунларининг емирилаётгани, мустабид ҳокимият заифлашгани, ҳукмрон доиралар ўртасида ҳокимият учун кураш авж олгани, сиёсий партиялар шаклланиб, ҳокимият учун курашга киришгани, собиқ мустамлака давлатларда мустақиллик учун кураш бошлангани, ҳокимият учун курашда сиёсий партиялар асосий кучга айланганидан дарак бериши қайд этилган.

Муаллифнинг фикрича, сиёсий партиялар тарихини тадқиқ этишнинг методологик муаммолари бўлиб, партияларнинг пайдо бўлиши, вужудга келиш сабаб ва шарт-шароитлари, фаолият йўналишлари, таназзули, партияларнинг ғоявий асослари ҳамда уларни таснифлаш масалалари ҳисобланади.

Туркистонда сиёсий партиялар, бир томондан, Европа, жумладан, Россиядаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва партиялар, иккинчи томондан, Шарқ мамлакатларидаги инқилобий ҳаракатлар, хусусан, Туркия, Эрон, Афғонистондаги ёшлар ҳаракатлари таъсирида шаклланиб, фаолият

юритишига олиб келганлиги, шу билан бирга мазкур жараён ўз хусусиятларига эгаллиги кўрсатилган.

Партияларнинг шаклланиш тарихини тадқиқ этиш, уларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва таназзулга юз тутиши сабаб ва шарт-шароитларини аниқлашга хизмат қилади. Машҳур сиёсатшунос М. Вебер томонидан таклиф этилган, сиёсий партияларнинг шаклланиш тарихига оид таснифга кўра, сиёсий партиялар дастлаб зодагонларнинг сиёсий тўғараклари тарзида пайдо бўлиб, кейинчалик сиёсий клубларга, сўнгра эса оммавий партияларга айланганлар<sup>1</sup>.

Муаллиф фикрича, сиёсий партияларнинг тарихий тараққиётини бундай таснифлаш Европа воқелигини аниқроқ акс эттириши мумкин. Шарқда сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши Европадан фарқ қилади. Туркистон сиёсий ҳаёти учун юқоридаги тасниф энг умумий тарзда бўлиб, у партиялар тарихини тўлиқ ёритишга имкон бермайди. Партиялар асосчилари асосан зиёлилардан иборат бўлса-да, улар халқнинг орзу-умидлари, ташвишлари билан яшаганлар. Халққа хизмат қилиш уларнинг бош вазифаси, мақсади ҳисобланган.

Тадқиқотда Туркистон ўлкасида сиёсий партиялар шаклланишининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароитлари – XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида подшо Россияси, кейинчалик шўроларнинг Ўрта Осиё худудини мустамлака исканжасига тортиши, Ўрта Осиё халқларининг ўз эрки ва озодлиги учун кураши кучайганлиги, подшо Россияси ва совет тузуми томонидан халқни эзишга, унинг устидан тўлиқ ҳукмронликни амалга оширишга ҳамда мустабид тузумга асосланган давлат ҳокимияти, бошқарув, суд, полиция органлари ва ҳуқуқий тизим яратилганлиги, бу тузум, аслида мустамлакачилик истибдодини ўрнатишга хизмат қилгани кўрсатилган.

Диссертант подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати, худуднинг арзон хом ашё базасига айлантирилиши, руслаштириш ҳаракатлари, Россия савдогарлари ва ишлаб чиқарувчилари учун арзон иш кучи ҳамда маҳсулотларини сотиш учун янги бозор очилиши ўлкага рус аҳолиси қатламларининг ёпирилиб келишига имкон берганлигини, улар турли нуқтаи назар ва дунёқарашга эга бўлиб, хилма-хил мақсад ва манфаатларни кўзлаганлигини ва буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатганлигини илмий фактлар билан асослаган.

Ўлкага кўчиб келганлар касбига кўра, амалдор, иш бошқарувчи, савдогар, руҳоний, зиёли, ишчи, деҳқон, хунарманд ва бошқа касб-ҳунар эгаларидан иборат бўлган. Улар орқали Россиянинг Европа қисмида кенг тарқалаётган ғоя ва таълимотлар Туркистон ўлкасига аста-секин кириб кела бошлаган. Улар социалист-инқилобчилар, конституциявий демократлар, социал-демократлар ва бошқа умумроссия партияларининг филиаллари атрофида уюшишга интилганлар.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ирхин Ю. В., Зотов В. Д., Зотова Л. В. Политология. – М., 2000. – С. 259.

Тадқиқот ишида умумроссия партия ташкилотлари Россиянинг марказий қисмида бўлгани каби Туркистонда ҳам фаолият кўрсатганлиги, улар ўз фаолиятида партия марказий органларининг кўрсатмалари, дастурий ғояларига амал қилганлиги, айтилиши вақтда ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти уларнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатганлиги ҳолисона ёритилган.

XX аср бошлари Туркистон халқлари учун сиёсий жиҳатдан уйғониш, ўз талаб-истаклари ҳамда эҳтиёжларини амалга ошириш мақсадида турли ташкилот, тўғарак ва жамиятларга уюшиш даври бўлганлиги, айнан чор Россияси ва совет мустабид тузумининг ўлкадаги бошбошдоқлиги, маҳаллий аҳолини зулм ва зўравонликда тутиб туриши, халқнинг бундай турмуш тарзига барҳам беришга интилиши ўлкада турли уюшма ва партиялар вужудга келишига олиб келганлиги исботланган.

Ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта из қолдирган ички ва ташқи омиллар таъсирида Туркистон халқларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Тараққийпарварлар», «Турон», «Иттифоқ», «Иттиҳод ва тараққий», «Шўройи Исломия», «Шўройи Уламо», «Турк Адами Марказият» ҳамда Туркистон сиёсий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутган «Алаш Ўрда» каби партиялар, 20 га яқин миллий уюшма ва сиёсий тўғараклар тузилганлиги очиб берилган.

Диссертант партияларни синфийлик, ҳудудий, мавжуд ҳокимиятга муносабати нуқтаи назарларидан таснифлашга ўзининг танқидий фикрларини билдириб, Туркистондаги партияларнинг жамият ҳаётига таъсири нуқтаи назаридан таснифлаш, уларнинг табиати, моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари ва бошқаларни инобатга олиш зарур деган ҳулосага келган ҳамда бу борада айрим муаммоларни ҳал этиш учун Туркистон сиёсий партиялари билан боғлиқ маълумотлардан махфийлик грифини олиш таклифи илгари сурилган.

Туркистон ўлкаси маҳаллий сиёсий партиялари халқнинг орзу-умидларини ифодалаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган бўлиб, ташкилий жиҳатдан узоқ тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги, уларнинг ўзига хос шаклланиш ва тараққиёт йўли ўлка халқларининг ижтимоий, сиёсий ҳаётида беқиёс аҳамият касб этгани кўрсатилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Туркистон сиёсий партиялари дастурларида давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари»** деб номланиб, унда партиялар дастурларида ифодаланган давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, шакллари, функциялари, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, суд ҳокимияти ва унинг мустақиллигини таъминлаш тўғрисидаги ғоялар баён этилган.

Диссертацияда давлат ва ҳокимиятнинг замон талабларидан ортада қолганлиги, халқ манфаатлари ва эҳтиёжларига жавоб бермаслиги, амалдорларнинг бойлик тўплашга ҳирс қўйганлиги, фуқароларга нисбатан адолатсизликка йўл қўяётганлиги, жамият тараққиётининг давлат олдига



қўяётган талаблари инобатга олинмаслиги сиёсий партиялар томонидан кескин танқид остига олинганлиги таъкидланган.

Муаллиф барча умумроссия партиялари дастурларида мавжуд ҳокимиятга нисбатан танқидий фикрлар учрамаслигини, бундай фикрлар, кескин, мавжуд ҳокимиятни ўзларига душман деб билган, уни ағдариб ташлаб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тузумини тубдан ўзгартишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган партиялар дастурларида учрашини, буларга социал-демократлар партиясининг ҳар иккала қаноти, социалист-инқилобчилар партиялари мисол бўлишини уқтиради.

Шу билан бирга умумроссия либерал партиялари дастурларида танқидий фикрлар мутлақо учрамайди, ёки учрасада, чекланган тарзда, тавсия характерига эга бўлган фикрлар билан ифодаланади. Бундай фикрларни «17-октябрь иттифоқи» партияси дастурида кўриш мумкин. Конституциявий демократлар партияси дастурида эса танқидий фикр келтирилмаса-да, партия съездларида ҳокимият фаолиятига танқидий баҳо бериш ҳоллари учрайди.

Маҳаллий партиялар дастурларида 1917 йил феврал инқилобигача подшо ҳукумати фаолиятига танқидий баҳо бериш учрамайди. Бу эса, сиёсий партиялар етакчиларининг партияларни вужудга келиши даврида, подшо ҳукумати олдига талаблар қўйиш, уларга илтимосномалар билан мурожаат этиш мумкинлиги билан кифояланганлигини англатади. Маҳаллий партияларнинг дастурий ҳужжатларида бу соҳада жонланиш, 1917 йилнинг февраль инқилоби воқеаларидан кейин сезилади. Партиялар жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, нуқсон ва камчиликларни очиқ муҳокама қилишга, уларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришга киришадилар.

Диссертацияда сиёсий партияларни ташкил этишнинг пировард негизида ҳокимият масаласи туриши, партиялар ўзларининг келиб чиқиши, ташкилотчиларининг дунёқараши, қандай гуруҳ, табақаларнинг манфаатини ифода этишига мос ҳолда сиёсий ҳокимиятга муносабатини билдирганлиги ва шу асосда фаолият юритганлиги, худди шу сабабли XX аср бошларида Туркистонда фаолият кўрсатган партияларнинг асосий мақсадини давлат ҳокимиятига даъвогарлик масаласи ташкил этганлиги очиқ берилган.

1905 йил 17 октябрь Манифестидан сўнг монархистлар партияси расмий ҳокимиятдан ҳам кўра консерватив тарзда, мутлоқ подшо ҳокимиятини сақлаб қолиш, Давлат думасининг аҳамиятини инкор этиш йўлидан бордилар. Бу ташкилот дастурининг негизини подшо ҳокимиятини мустаҳкамлаш, христианликни тарғиб этиш, миллатчилик ғоялари ташкил этган.

Давлат ҳокимиятини демократик тарзда ислоҳ этиш ва жамиятнинг тадрижий тараққиётини таъминлашни тарғиб этувчи партиялар кўпчиликни ташкил этган. Улар сирасига конституциявий демократлар, «17 октябрь иттифоқи», «Шўрои ислом», «Шўрои уламо», «Турк адами марказияти», «Алаш ўрда» партияларини киритиш мумкин.

Туркистон маҳаллий партияларининг ҳокимият тўғрисидаги ғоялари тадрижий таракқий этиб борган. Улар дастлаб, Туркистон ўлкасини ташкил этган ҳудудларга Россия давлати таркибида ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритишни муҳим деб билганлар. Туркистон жаҳидларининг 1916 йилги қўзғолонга салбий муносабатда бўлишининг асосий сабаби шундаки, улар мустақилликни тинч, яъни тепадан босқичма-босқич ислоҳотлар ўтказиш йўли билан қўлга киритишни афзал кўрганлар.

Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрь кунлари туркистонлик ва қозоқ мусулмонлари съезди бўлиб, унинг кун тартибида қуйидаги масалалар қўйилган: 1) Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий қурилиши; 2) озиқ-овқат масаласи; 3) ер ва сувдан фойдаланиш; 4) суд; 5) масжидларни бошқариш; 6) вақф масаласи; 7) земство ҳақида; 8) хотин-қизлар масаласи; 9) мусулмон сиёсий партияларини ташкил этиш; 10) Мусулмон ўлка Шўроларини қайта ташкил этиш; 11) мусулмон аҳолисини ўлкани маъмурий бошқаришга жалб этиш; 12) Таъсис мажлиси ҳақида ва бошқа масалалар.

«Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий тузилиши тўғрисида Ўлка мусулмонлари съезди резолюцияси»да қуйидагилар таъкидланган: «Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Каспий орти вилоятлари, мазкур вилоятларда яшаётган барча халқларнинг миллий-маданий ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида ташкил этилган, «Туркистон федератив республикаси» номи билан Россия республикаси таркибига алоҳида ҳудудий автоном федерацияси сифатида кириши керак».

Ҳокимиятни қуролли қўзғолон ёрдами билан ағдариб ташлаб, синфий асосда давлат барпо этишни кўзлаган социал-демократларнинг ғоялари ўзгариб борган. Социал-демократлар партиясининг асосий мақсади мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлаш ва унинг ўрнига «пролетариат диктатураси»ни ўрнатишдан иборат бўлган. «Пролетариат диктатураси» тўғрисидаги ғоя ҳам дарҳол илгари сурилмаган. 1847 йилда қабул қилинган «Коммунистик партия Манифести»да таъкидланганидек, ишчилар инқилобининг биринчи қадами – бу пролетариатнинг ҳукмрон синф даражасига кўтарилиши, демократияни қўлга киритишдан иборат.

Диссертант партиялар дастурларининг таҳлили асосида, ҳокимият хусусида Туркистон сиёсий партиялари баъзан ўзаро яқин, баъзан бир-бирига мутлақо зид нуқтаи назарга эга бўлганлигини таъкидлайди ҳамда ўша давр партияларининг ҳокимият тўғрисидаги ғояларини умумлаштирган ҳолда уларнинг қуйидаги таснифини таклиф этади: 1) мавжуд ҳокимиятни мустаҳкамлаш, ҳар қандай ўзгариш, таракқиётни қабул қилмаслик йўлини тутган партиялар (монархистлар); 2) давлат ҳокимиятини демократик тарзда ислоҳ этиш, тадрижий таракқиёт йўлини тарғиб этувчи партиялар (Конституциявий демократлар, Шўрои-Исломия, Алаш Ўрда, Мусулмонлар иттифоқи); 3) қонуний ҳокимиятни қуролли қўзғолон йўли билан ағдариб ташлаб, ўзларининг идеалидаги давлат барпо этишни кўзлаган партиялар (социал-демократлар ва социалист-инқилобчилар).

Тадқиқот ишида XX аср бошларида Туркистон ўлкаси аҳолиси учун суд-ҳуқуқ масалалари муҳим ҳаётий муаммолардан бирига айланганлиги, улар Туркистон сиёсий партиялари дастурларида ҳам ўз ифодасини топганлиги, Туркистонда умумроссия сиёсий партиялари ва маҳаллий партиялар ўзларининг сиёсий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, суд тизимини ислоҳ қилиш, ўзгартириш юзасидан ўз ғоя ва таклифларини илгари сурганлиги кўрсатилган.

Диссертантнинг таъкидлашича, подшо Россиясининг Туркистон халқлари фаолиятида кўп асрлардан буён ҳукм суриб келаётган қонунчилиги ҳамда турмуш тарзи ва одатларига беписандлик билан муносабатда бўлиши натижасида, ўлканинг суд-ҳуқуқ тизимини мустамлакачилик манфаатларидан келиб чиқиб қайта ташкил этган.

Суд тизимини ислоҳ этиш Туркистон маҳаллий партиялари фаолиятида алоҳида аҳамият касб этганлиги диссертацияда мужассам ифодасини топган. Жумладан, Туркистон халқлари орасидан Россия парламентида сайланган мусулмон депутатлари ҳамда улар томонидан шакллантирилган мусулмон депутатлари фракцияси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Мусулмон депутатлари фракцияси дастур асосида фаолият юритган. Дастурда Туркистон ўлкаси суд тизимини ислоҳ этиш масалаларига алоҳида урғу берилган. Унда, суд муассасалари: суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятидан тўлиқ ажратилганлиги; барча фуқароларнинг суд олдида тенглиги; ваколатли суднинг қонуний кучга кирган ҳукмисиз ҳеч ким жазога тортилмаслиги; судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги ҳамда маъмурият, жумладан Адлия вазирлигининг судьяларни тайинлашга аралашмаслиги; жазолаш ваколати фақат судга тегишли бўлиши; маъмурий тартибда бирор орган жазо ёки мажбурлов чорасини қўллаши тақиқланганлиги; барча мансабдор шахсларнинг умумий асосларда жавобгарлиги; судьялик лавозимини эгаллаш ва халқ маслаҳатчилигига сайланишда мулкӣ чекловларни бекор қилиш; кассация судларининг ягоналиги сингари принциплар асосида ташкил этилиши кўзда тутилган.

Тадқиқот ишида умумроссия партияларининг суд тизимини ислоҳ этиш тўғрисидаги ғоялардан фарқли ўлароқ, маҳаллий партиялар дастурларида суд тизимини тубдан ўзгартириш, маҳаллий халқ судьяларининг ваколатларини кенгайтириш, суднинг фақат қонунга бўйсунishi, суд ишларига бошқа органлар аралашувининг олдини олиш, жамиятда қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари ўз ифодасини топганлиги, маҳаллий партиялар судларнинг фақат қонунга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатиши, судьяларнинг маҳаллий халқ тилини билиши, одил судлов юритиладиган тил масаласи, судларда иш кўришнинг ошкоралиги, судлар қошида халқ маслаҳатчилари мавжуд бўлишини ёқлаб чиққанлиги таъкидланади.

Муаллиф суд-ҳуқуқ масалалари «Туркистон мухторияти» ҳукуматининг ҳам эътиборидан четда қолмаганлигини уқтиради. Жумладан, 1918 йил 4 январда «Туркистон мухторияти» муваққат ҳукуматининг қарори эълон

қилиниб, унда умумроссия ва Туркистон Таъсис мажлислари томонидан қонунлар қабул қилингунга қадар, туркистон ўлкаси ҳудудида демократия, мухторият ва федерация талабларига зид бўлмаган шариат нормалари, қонунлар, одат ҳуқуқлари ва Россия республикаси муваққат ҳукумати қарорлари ҳамда Туркистон мухторияти муваққат ҳукумати «Известия»сида эълон қилинган қарор ва фармойишлари, уезд ва шаҳар муассасаларининг мажбурий қарорлари амал қилиши белгиланган.

Диссертант сиёсий партиялар фаолиятида жинойтчиликка қарши кураш сиёсати ва жинойт процесси борасида пишиб етилган масалаларни амалга ошириш кўзда тутилганлигига урғу беради. Уларда, мустақил Ўзбекистон учун ҳам муҳим бўлган, ўлим жазоси ҳеч қандай шартсиз ва батамом бекор қилиниши; шартли ҳукм жорий этилиши; дастлабки тергов босқичида химоя киритилиши; судда ишни кўришда тортишув принципи жорий этилиши белгиланганлиги ифодаланган.

**«Туркистон сиёсий партиялари дастурларида давлат мустақиллиги учун кураш ғояларининг ифодаланиши»** деб номланган учинчи бобда сиёсий партиялар дастурларида мустамлакачилик тузумининг танқиди, халқларнинг ўз-тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, «Туркистон Мухторияти» давлатининг ташкил этиш бўйича маҳаллий сиёсий партияларнинг фаолияти, давлат мустақиллиги ва уни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий чоралари тўғрисидаги ғояларнинг ифодаланиши масалалари илмий ўрганилган.

Диссертацияда мустамлакачилик сиёсати, кучли давлатларнинг бошқа давлатлар устидан ҳукмронлиги ўрнатилиши, мустамлака халқларнинг ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этилганлиги, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда тараққиётдан ортда қолиб келаётганлиги, қарамликда кун кечираётган аҳолининг оғир турмуш тарзи Туркистон сиёсий партияларининг дастурларида ифодаланганлиги илмий таҳлил қилинган.

Изланувчи Туркистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар дастурларида маҳаллий халқларнинг европалик халқлар билан тенг ҳуқуқлилиги, давлат ҳокимияти ва бошқарувида иштирок этиши, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқариши масаласи диққат-эътибор марказида турганлигини, сиёсий партияларнинг халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи, федератив асосларда мухторият тузиш тўғрисидаги дастурий ғоялари ижтимоий-сиёсий тараққиётга мос ҳолда ривожланиб борганлигини асослантиради.

Бу даврда фаолият кўрсатаётган партиялар ва ҳаракатлар дастурларининг таҳлили шундан далолат берадики, «халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи», халқларга «миллий-худудий», «миллий-маданий» мухторият бериш каби ғоялар турли тарзда талкин этилган. Бу партия ва ҳаракатларнинг сиёсий вазифалари, уларни ҳал этиш воситаларининг хилма-хиллиги билан изоҳланади.

Диссертант мазкур масалада сиёсий партия ва ҳаракатларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкинлигини таъкидлайди: *биринчиси* – кучли марказлашган давлатни сақлаб қолиш, умумдавлат манфаатларини

устун кўйиш, федерализм ғоясини рад этишга қаратилган партиялар («17 октябрь иттифоқи», «монархистлар»); *иккинчиси* – халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини чекланган тарзда талқин этувчи, халқларнинг мухторият тузишларига қаршилик қилувчи партиялар (конституциявий демократлар партияси, мусулмонлар иттифоқи (дастлабки пайтда)); *учинчиси* – халқларга ўзларининг мустақил давлатларини тузиб ажраб чиқиш каби, кенг равишда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилишини ёқлаб чиқувчи партиялар (социал-демократлар, социалист-инқилобчилар, Турк Адами Марказияти); *тўртинчиси* – мухториятни қўлга киритиш, халқни ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини босқичма-босқич амалга оширишни тарғиб этувчи партиялар (Шўро Исломия, Алаш Ҷрда).

Тадқиқот ишида мустамлакачиликка барҳам бериш, кучли давлат ҳукмронлиги остида сиёсий, иқтисодий қарамликни бошидан кечираётган халқларнинг озодликка эришиши, ўз ҳаётини мустақил ташкил этиши, умуман, мустақиллик ғоялари Туркистон сиёсий партиялари, айниқса маҳаллий партияларнинг диққат марказида турганлиги илмий таҳлил этилган. Мустақил тузум даврида халқимизнинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш учун кураши ноҳолисона ёритилиб, масалага ғаразли, яъни мустақил ҳокимият ва ҳукмрон партия манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиш натижасида тарихий ҳақиқат сохталаштирилганлиги, Туркистон мустақиллиги учун курашган кучлар эса «босмачилар», «синфий душманлар», «миллатчилар» сифатида қораланганлиги, бу кучлар билан мустақил ҳокимият ва ҳукмрон партия ўртасида олиб борилган курашлар эса «фуқаролар уруши», «синфий кураш» сифатида кўрсатилганлиги очиқ берилган.

Диссертацияда «Шўро Исломия» ва «Турк адами марказияти» партиялари томонидан 1917 йил сентябрь воқеаларидан кейин давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала илгари сурилганлиги, Туркистонни Россиядан ажратиш, мустақил давлат барпо этишда қурол кучига таяниш, ёки бошқа тарздаги зўрлик ишлатиш масаласи улкан аҳамият касб этганлиги кўрсатилган. Муаллиф сиёсий партиялар томонидан мазкур масалага ёндашув тадрижий равишда ўзгариб борганлигини, сиёсий партияларнинг етакчи кучлари саналган жаҳидлар мазкур муаммони ҳал этишда ҳар қандай даражадаги зўрлик ишлатиш, қурол кучига таянишни аввал бошданок рад этганликларини уқтиради. Сиёсий партиялар асосчиларининг фикрича, мавжуд ҳокимиятга қарши қуролли қаршилик кўрсатиш давлатчилик устунларига путур етказди, ўлкага улкан фалокат, тартибсизлик, бошбошдоқлик келтиради. Шунинг учун улар мамлакат ҳукумати олдида талаблар қўйиб, жамият ҳаётини қонунлар чиқариш йўли билан ислоҳ этиш ғоясини ёқлаб чиққанлар.

Тадқиқот ишида большевикларнинг маҳаллий халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини инкор этган ҳолда ҳокимиятни яқка ҳолда қўлга киритиши маҳаллий ташкилотларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келганлиги, «Марказий Шўро Исломия» ташаббуси билан 1917 йил 26 ноябрда

Туркистон ўлкаси мусулмонларининг IV қурултойи «Туркистон мухторияти» тузиш тўғрисида қарор қабул қилганлигини, Туркистон ўлкасида яшовчи барча миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи белгиланиб, Туркистоннинг Россия федератив-демократик республикаси таркибидаги ҳудудий мухтор республика деб эълон қилинганлиги, ўлкани бошқариш ва унинг тузилиши бўйича таклифлар илгари сурилганлиги қайд этилган.

Қурултой томонидан ишлаб чиқилган резолюцияда Туркистон ўлкасида яшовчи барча миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи белгиланиб, Туркистон – Россия федератив-демократик Республикаси таркибидаги ҳудудий-мухтор Республика деб эълон қилинган. Таъсис мажлисига Туркистон мухторияти шаклини белгилаш ҳуқуқи берилган. Ўлкани бошқариш ва унинг тузилиши бўйича куйидагилар таклиф этилган: *биринчидан*, мухториятнинг Олий органи – Туркистон Халқ (Миллий) Мажлиси ҳисобланган; *иккинчидан*, Таъсис мажлисига сайловнинг ўзига хос (пропорционал) алоҳида тизимини йўлга қўйиш; *учинчидан*, мухториятнинг олий органларига Россия вакиллари ва аксинча, Россия олий органларига мухторият вакилларида киритиш ҳамда Туркистон Мухторияти қонунлари Россия Федерацияси қонунлари ҳамда шарият нормалари асосида қабул қилиниши таклиф этилган; *тўртинчидан*, Туркистон Мухторияти ўзининг қуроли кучлари, милицияси, прокуратурасига эга бўлиши, ташқи тажовуз содир бўлган тақдирда ўз ўзидан Россия ҳарбий қўмондонлиги ихтиёрига ўтиш ва бошқалар.

Съезд томонидан (4.01.1918 й.) Туркистон Таъсис мажлисига сайловлар тўғрисида Низом лойиҳаси қабул қилинган. Унда, Таъсис мажлиси Туркистон мухториятининг Самарқанд, Каспийорти, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари аҳолиси томонидан сайланиши (1-модда); Таъсис мажлиси аъзоларини сайлаш учун Туркистон мухторияти сайловчилари мусулмон ва мусулмон бўлмаган аҳолидан иборат 2 та курияни ташкил этиши (2-модда); Таъсис мажлиси аъзоларини сайлаш ҳар бир курия доирасида умумий, жинсидан қатъий назар тўғридан-тўғри, тенг ва яшириш овоз бериш орқали пропорционал вакиллик асосида ўтказилиши (3-модда); таъсис мажлиси 234 вакилдан, шундан мусулмон аҳолиси курияси 156 вакил ва мусулмон бўлмаган аҳоли – 78 вакилдан иборат бўлиши (4-модда); Таъсис мажлиси вакиллари сайлашда мусулмон аҳолиси курияси уезд ва шаҳарлар, мусулмон бўлмаган аҳолиси курияси учун эса вилоятлар доирасида тузиладиган сайлов округлари тузилиши (5-модда) белгиланган. Туркистон Таъсис мажлисига сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига ўлканинг ҳар икки жинсидаги, сайлов кунига қадар 20 ёшга тўлган фуқаролар эга бўлган.

Муаллиф большевиклар ўлкада ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритгунига қадар ва ундан кейинги даврда ҳам Туркистон маҳаллий партиялари асосчилари қурол воситасида давлат мустақиллигини таъминлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймаганликларини илмий асослантиради.

Муаллиф XX аср бошларида Туркистон халқларининг мустақиллиги учун кураш ҳаракати ўзининг мураккаблиги, ҳаракатлантирувчи кучларининг кўп қатламлиги, муаммоларнинг чуқурлиги билан ажралиб туришини, жаҳидлар, шу жумладан, сиёсий партиялар етакчилари подшо Россиясининг мустамлакачилиги, мустабид тузумнинг янги «совет» кўриниши билан алмашганлигини «Қўқон мухторияти» аёвсиз равишда қонга ботирилган кунийёқ англаб етганликларини очиб беради.

Диссертацияда миллий-озодлик кураши иштирокчилари тўртта тактик усуллардан фойдаланилганлиги таъкидланади: *биринчидан*, мустақиллик учун кўтарилган умуммиллий «босмачилик уруши»га махфий равишда ғоявий-ташкилий раҳбарлик қилиш; *иккинчидан*, махфий уюшган аксилкоммунистик сиёсий ташкилотларни ташкил этиб, бунга ёшларни кенг жалб этиш ва уларни тарбиялаш орқали миллат ва халққа мустақиллик руҳини сингдириш; *учинчидан*, совет ҳукумати ва унинг ғоявий-ташкилий асосчиси компартиянинг мустамлакачилик сиёсатини демократик асосда ошқора танқид қилиш; *тўртинчидан*, мусулмон коммунистик партияси (фирқа) ташкилотларини расман ташкил этиб, унга ёшларни кенг жалб этиш ва бу партиянинг ўша пайтдаги яққа ҳукмронлик мавқеидан фойдаланган ҳолда миллий мустақилликни ҳамда миллат ва халқимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалаларининг партиялар дастурларида акс этиши**» деб номланади. Унда сиёсий партиялар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг танқид қилиниши, инсоннинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларининг партиялар дастурларида ифодаланиши масалалари таҳлил этилган.

Тадқиқот ишининг ушбу бобида, *бир томондан*, Туркистонда ўрнатилган мустамлакачилик тузуми натижасида XIX аср охири ва XX аср бошларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол қилиниши, айрим миллат ва гуруҳларнинг маҳаллий халқлардан устунлиги тарғиб этилиши, жамиятда қонунсизлик ҳукм суриши, адолатсизлик амал қилиши одатий ҳол бўлганлиги; *бошқа томондан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишда бузилишларга чек қўйиш, уларнинг ҳуқуқий тартибга солинишига эришиш ва таъминлаш учун кураш кучайганлиги очиб берилган. Туркистон маҳаллий партиялари халқнинг жаҳолатда сақланиши, илм-фандан узоқлиги, мактаб ва маорифнинг таназзулга юз тутиши, маҳаллий халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқларидан маҳрум этилганлиги мустамлакачиликнинг асорати эканлигини яққол очиб ташлаганлиги асослаб берилган.

Диссертацияда сиёсий партиялар дастурларида инсоннинг шахсий ҳуқуқлари масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги, уларда инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, эркин кўчиб юриш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз, эътиқод ва виждон эркинлиги мужассамланганлиги қайд этилган.

Маҳаллий партиялар инсоннинг шахсий ҳуқуқларини эътироф этиш ва уларни таъминлаш борасида нафақат ўша давр учун, балки бугунги кун учун ҳам долзарб бўлган ғояларни илгари сурганлар. Жумладан, Турк адами марказият партияси дастурида инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш ғояси илгари сурилиб, унда «ўлим жазоси шартсиз ва бутунлай бекор қилиниши» мустаҳкамланган.

Шундан келиб чиқиб, муаллиф партиянинг ушбу эзгу ғоялари орадан салкам 100 йил ўтгандан сўнг, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина амалга ошганлигини таъкидлайди. 2005 йилнинг 1 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони эълон қилиниб, унда мустаҳкамланидек «Инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек жиноий жазоларни янада либераллаштириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида: Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин»<sup>1</sup>.

Диссертант фуқаролар сиёсий ҳуқуқларининг ҳокимият томонидан тан олинishiга эришиш масаласи XX аср бошларида Туркистонда алоҳида аҳамият касб этганлигини, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш, муҳофаза қилиш ва амалда таъминлаш масаласи сиёсий партиялар мақсад ва вазифаларининг негизини ташкил этганлигини асослантиради.

Шунингдек, диссертацияда фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиши, сайланган вакиллари орқали давлат органларга ўз талаб ва истакларини етказиши ва уларни ҳимоя қилиши, ҳокимият органларини ташкил этиш ва фаолиятини амалга оширишда қатнашишнинг шакл ва усулларини белгилаш сиёсий партиялар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги, шу сабабдан мазкур масалалар партиялар дастурларида мужассамланганлиги кўрсатилган.

Диссертацияда таъкидланганидек, инсон ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари масаласи маҳаллий партиялар ва ҳаракатларнинг диққати марказини эгаллайди. Сиёсий партиялар етакчилари, подшо Россияси қонунчилик ҳокимият органлари фаолиятида қонуний йўллар билан иштирок этиш орқали Туркистон ўлкаси аҳолисининг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мумкин деб ҳисоблаганлар.

Жумладан, 1905 йил 15 августда Нижний Новгородда мусулмонларнинг биринчи умумроссия съездида қабул қилинган резолюцияларда, *биринчидан*, жамиятнинг ижтимоий-маданий, сиёсий эҳтиёжларини ифодалаш мақсадида мамлакат барча ҳудудлари мусулмонларининг бирлашиши; *иккинчидан*,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – 2005. 30–31–сон, 223–модда.



мусулмон халқлари вакиллари мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида рус жамиятининг илғор ғояларини қўллаб-қувватлаши ҳамда мамлакатда ҳуқуқий тартиботни таъминлаш йўлида халқ томонидан сайланган ишончли шахслар сифатида қонун ижодкорлиги ва давлат бошқарувида иштирок этиши; *учинчидан*, юқорида кўзда тутилган мақсадларга эришиш, мусулмонларнинг рус аҳолиси билан тенг ҳуқуқларга эга бўлишини тақозо этиши, шу сабабли мусулмонларнинг илғор қисми қонуний воситалар ёрдамида бошқа халқларга нисбатан империя қонунлари, ҳукумат фармойишлари билан ўрнатилган барча чеклов ва истисноларни бекор қилишга, сиёсий, фуқаролик ва диний ҳуқуқларда мусулмонларнинг рус аҳолиси билан тенг ҳуқуқлигини ўрнатилишига интилишлари мустаҳкамланган.

Тадқиқот ишида сиёсий партиялар асосчилари томонидан иккинчи Давлат Думасида тузилган мусулмон фракцияси фаолияти, фракция ишлаб чиққан дастурда давлат бошқарувида халқнинг иштирокини таъминлаш масаласи белгиланган. Унда, барча фуқароларга қонун билан талаб этиладиган шартлар бажарилганда, ҳеч қандай истисносиз тарзда фуқаролик, ҳарбий ва бошқа давлат ҳамда жамоат ишлари очиклиги (§-9); барча фуқароларга, ҳар қандай масалаларни муҳокама этиш учун очик ҳамда ёпиқ жойларда оммавий йиғин ва мажлислар ўтказиш ҳуқуқи берилиши (§-12); барча фуқаролар рухсат сўрамасдан иттифоқ ва жамиятларга уюшиши (§-13); ҳар бир фуқаро, фуқаролар гуруҳлари, иттифоқ ва жамиятлари петициялар топшириш ҳуқуқига эгаллиги (§-14); юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлар Россия империясининг асосий қонунда мустаҳкамланиши ва суд ҳимоясида бўлиши (§-15) белгиланган.

Муаллиф ўлкада подшо ҳукуматининг мустабид зулми авжига чиққан, европаликларга нисбатан мусулмон аҳолиси паст даражада кўриляётган, улар ҳар қандай сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этилган бир пайтда, шундай ғояларнинг илғари сурилиши ўлка халқлари учун муҳим аҳамият касб этганлиги тўғрисида хулоса қилади.

Тадқиқот ишида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаш, уларнинг амалда таъминланишига эришиш, меҳнаткашлар ҳуқуқлари масалалари XX аср бошларида Туркистон сиёсий партиялари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири саналганлиги, жамият, гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг у ёки бу партияга муносабати, инсон ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларининг нечоғлик ифодаланганлиги билан белгиланганлигини таҳлил қилиш асосида сиёсий партиялар мазкур масалага ўта жиддий эътибор берганлиги ва уни батафсил ифодалашга ҳаракат қилганлиги очиб берилган.

Муаллиф жамият тараққиёти, инсон фаровонлиги, обод турмушининг негизини мулк, мулкчилик масалалари ташкил этишини, мулкчилик муносабатларида сиёсий партиялар бир-бирига қарама-қарши гуруҳга бўлиниб кетганлигини кўрсатиб ўтади. Улардан *биринчи* гуруҳини социал-демократлар, социалист-инқилобчилар партиялари ташкил этиб, улар мавжуд

ижтимоий-иқтисодий тузум инсоннинг таназзулга юз тутишга сабаб бўлаётганлигини, шу сабабли амалдаги мулкчилик муносабатларини йўқ қилиб, хусусий мулкка чек қўйиш, жамоатчилик мулкни жорий этиш билан бундай ҳолатдан чиқиш мумкин деб ҳисоблаганлиги; *иккинчи* гуруҳ конституциявий демократлар, «17 октябрь иттифоқи», «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» каби сиёсий партиялардан иборат бўлиб, улар мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузумни сақлаб қолиш, мулкчилик муносабатларини ривожлантиришни ёқлаб чиққанлиги асослантирилади.

Диссертацияда социал-демократлар (большевиклар) ҳокимият тепасига келгандан сўнг мулкчилик масаласида ўз ғояларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, бой ва ўрта ҳол деҳқонларни қулоқлаштириш йўлини тутганлиги аниқ мисоллар билан кўрсатилади. Мазкур сиёсат натижасида «1930 йилда Ўзбекистонда 750 минг деҳқон хўжалиги бўлиб, шундан 40 минги (қарийб 6 фоизи) қулоқ сифатида ҳибсга олиниб, суд қилинган ёки Украина ва Шимолий Кавказга, Ўрта Осиёнинг янги ўзлаштирилган чўл туманларига бадарға этилган. Агарда ўзига тўқ ўзбек оилалари кўп сонли, ҳар бири камида 8-9 жондан иборат бўлганлигини инобатга олсак, 1930-1932 йиллардаги қулоқлаштириш даврида республикамизнинг 350-400 минг аҳолиси жабр кўрганлигини билиш мумкин<sup>1</sup>.

Шу асосда муаллиф, большевиклар бир томондан, жамият ва давлат ҳаёти учун энг муҳим бўлган соҳаларни ўз қўлларига тўплашни мақсад қилиб қўйган бўлсалар, *иккинчи* томондан, «инқилобни сақлаб қолиш», «ташқи агрессорларга қарши кураш», «очарчиликни олдини олиш», «меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш» каби ниқоблар билан ўлка халқларининг бойликларини талаганлиги, мусодара қилиш, талончилик, национализациялаштириш орқали тўпланган ҳисобсиз мол-мулк ўлкадан олиб чиқиб кетганликлари тўғрисида хулоса қилади.

Инсонни камолга етиши, илм-маърифатни ривожлантириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, замонавий ўқитиш усулларини жорий этиш партиялар фаолиятининг муҳим қирраларидан бўлиб ҳисобланган. Шу сабабли сиёсий партиялар дастурларида илм, фанни ривожлантириш, ўқитиш ишларини такомиллаштириш, етук мутахассис кадрларни тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертацияда маҳаллий партиялар дастурларида ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, давлат томонидан мактаблар ташкил этилиши, бепул билим олиш, иқтисодий ночор болаларни моддий таъминлаш, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида урғу берилганлиги уқтирилади.

Муаллиф Туркистондаги маҳаллий сиёсий партиялар ўз дастурларида келажак авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг соғлом, билимли, жисмоний ва маънавий камол топиши борасида ҳаракат йўналишини белгилаган-

---

<sup>1</sup> Шамсуддинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. –Т., 2001. – Б. 102.

ликларини, дастурда мустаҳкамланган қоидаларни амалга ошириш, жамият эҳтиёжларини тўлароқ ифодалаш мақсадида саъй-ҳаракат кўрсатганликларини таъкидлайди. Бу эса ўз навбатида, ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон давлатимиз учун ҳам ўта муҳимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунининг<sup>3</sup> қабул қилиниши ҳамда уларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши чуқур билим ва тафаккурга эга бўлган, юксак маънавийатли баркамол авлодни шакллантириш мустақил Ўзбекистон давлати сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этишини, бундан бир аср муқаддам Туркистон сиёсий партиялари томонидан илгари сурилган ғоялар ўз долзарблигини йўқотмаганлигини яққол ифодалайди.

## ХУЛОСА

Мазкур диссертация тадқиқоти натижасида сиёсий партиялар тарихини ўрганиш методологиясини бойитишга хизмат қиладиган хулосалар, сиёсий партиялар дастурларида давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларнинг ифодаланишига оид илмий ва амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хулосалар учта умумий йўналишни қамраб олган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

### **I. XX асрнинг биринчи чорагида Туркистондаги сиёсий партиялар тарихини ўрганиш методологиясини бойитишга хизмат қиладиган хулосалар.**

1. Сиёсий партияларга ижтимоий-гуманитар фанларнинг мамлакатимиз ва хорижлик вакиллари томонидан берилган таърифлар таҳлил қилиниб, ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан муаллифлик таърифи берилди: «Сиёсий партиялар – ўзининг қатъий ички тузилишига эга бўлган, ҳаракат дастури ва устави асосида фаолият юритаётган, ҳокимиятга даъвогарлик бош мақсад сифатида белгиланган, муайян ғоя, маслак атрофида уюшган кишиларнинг сиёсий ташкилотидир».

2. Туркистонда сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши ва фаолият кўрсатиши, бир томондан, Европа, Россиядаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва партияларнинг, иккинчи томондан, Шарқ мамлакатларидаги инқилобий ҳаракатлар, хусусан Туркия, Эрон, Афғонистондаги ёшлар ҳаракатининг таъсирида рўй берди. Шу билан бирга, мазкур жараён ўз маҳаллий хусусиятларига ҳам эга бўлган.

<sup>1</sup> Кадрлар тайёрлаш миллий дастури// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 11-12, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 160-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. № 9, 225-модда; 2013. № 10, 263-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2016. 37–сон, 426–модда.

3. Сиёсий партиялар тегишли объектив ва субъектив омиллар таъсирида вужудга келган. XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда партияларнинг вужудга келишида ҳал қилувчи роль ўйнаган объектив омиллар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: Россия чор ҳукумати ва маҳаллий маъмурларнинг ўлка халқларига ўтказётган зулми тобора ортиб бориши; мустамлакачи давлат ҳокимиятининг аҳолини бошқа ҳудудларга «кўчириш» ва «сиёсий жинойтчи»ларни ўлкага сургун қилиш сиёсати; иқтисодий қолоқлик, ишлаб чиқаришнинг ибтидоий усуллари сақланиб қолганлиги; кўпчилик аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, унинг қашшоқлашуви; капиталистик ишлаб чиқариш ўчоқларининг барпо этилиши билан ўлка иқтисодиётининг издан чиқиши, пахта яккахокимлиги ўрнатилиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қатъий нарх белгиланиши, косибчилик, ҳунармандчиликнинг таназзулга юз тутиши ва бошқалар.

4. Жамият илғор қатламлари томонидан халқнинг орзу-истак ва эҳтиёжлари, ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг англаб олиниши, маҳаллий аҳоли фаол вакилларининг Россия, Европа, Туркия билан яқиндан алоқалари сиёсий партияларнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар ҳисобланади. Тарихий тараққиёт шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда синфлар, табақа ва гуруҳларнинг манфаатини уларнинг вакиллари эмас, балки бошқа синф, табақа ва гуруҳлардан чиққан, илмли ва аҳоли турли қатламларининг талаб-эҳтиёжларини, орзу-истакларини ифодалаб бера оладиганлар олдинроқ англаб етади. Булар энг аввало, зиёлилар бўлиб, айнан шулар аксарият ҳолларда партияларни тузувчилар ва уларнинг раҳбарлари бўлганлар.

5. Сиёсий партияларни таснифлаш уларнинг дастурий ғояларини тадқиқ этишнинг энг муҳим методологик муаммоларидан бири ҳисобланади. У энг аввало қуйидаги ижтимоий-сиёсий ва ғоявий-ахлоқий мезонлар билан боғлиқдир: партиянинг мақсад ва вазифалари, ижтимоий таркиби, стратегияси ва тактикаси, шу жумладан амалдаги ҳокимият билан ўзаро муносабати, замонавий муаммолар, масалан, қишлоқ хўжалиги, молия, ишчилар, миллий муаммоларнинг талқин этилиши, диний таълимотлар ҳамда партия раҳбарлари (доҳийлари)нинг сиёсий қарашлари.

6. Партия тарихини тадқиқ этишда қуйидагилар муҳим ҳисобланади: *биринчидан*, Туркистонда мустамлакачилик тузуми ўрнатилиши, аҳолининг давлат бошқаруви ишларидан четлатилганлиги, европаликларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан имтиёз ва ҳуқуқларга эгаллиги; *иккинчидан*, шаҳарнинг ўрта қатлами – зиёлилар, амалдорлар, мулкдорлар, ҳунармандлар – сиёсий ҳаётда катта роль ўйнаганлиги; *учинчидан*, дин ва сиёсат бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этилмасдан, диндорлар сиёсий майдонда, аҳоли орасида катта таъсир кучига эга бўлганлиги; *тўртинчидан*, Туркистон аҳолиси орасида ишчилар жуда камчиликни ташкил этганлиги, улар асосан шаҳарларда ёки темир йўл ёқалаб жойлашган европалик рус аҳоли манзилгоҳларида жойлашганлиги; *бешинчидан*, Туркистон сиёсий партияларининг

шаклланиши ва ривожланишига ташқи кучлар, Россия ва Шарқ мамлакатларидаги инқилобий ҳаракатлар таъсир қилганлиги.

7. Умумроссия партиялари сифатида социал-демократлар, социалист-инқилобчилар, конституциявий демократлар, «17 октябрь иттифоқи» ва бошқа партиялар фаолият кўрсатиб, уларнинг вужудга келиши, шаклланиши бир хил тарзда кечмаган. Уларнинг таркиби асосан европаликларга мансуб аъзолардан ташкил топган. Большевиклар партияси ҳокимият тепасига келиши билан уларнинг дастурларини тан олмаган барча партиялар мухолиф партиялар сифатида тугатилган.

8. Туркистон ўлкасида вужудга келган ва фаолият кўрсатган сиёсий ташкилотларни тараққиёт босқичларига кўра шартли равишда тўртга бўлиб ўрганиш мумкин. *Биринчи босқич*, ўлкада маърифий, иқтисодий ғояларни илгари сурувчи ташкилотларнинг вужудга келиш даври. Бу даврда фаолият кўрсатган ташкилотлар «бюро», «тўғарак», «жамият» деб аталиб, улар халқ орасида илм-маърифат тарқатиш, мавжуд таълим тизимини ислоҳ этиш, зарарли одатларга барҳам беришни ўз олдиларига мақсад қилиб олганлар. *Иккинчи босқич*, Россияда 1917 йил февраль ойида юз берган воқеалардан сўнг пайдо бўлган ташкилотлар. Бу ташкилотлар тез орада сиёсийлашиб, партияларга айлана борган. *Учинчи босқич*, Туркистонда ҳокимият большевиклар томонидан эгаллангандан кейин вужудга келган партиялар. Мазкур партиялар давлат мустақиллиги ғояларини ёқлаб чиққанлар ва шу йўлда фаол ҳаракат қилганлар. *Тўртинчи босқич*, ўлкада яккапартиявийлик тизимининг ўрнатилиши ва маҳаллий партияларнинг тугатилиши.

9. Туркистон ўлкасида вужудга келган партиялар турли сиёсий ва мафкуравий нуқтаи назарларга эга бўлган. Улар, *бир томондан*, мавжуд ҳокимият ва бошқарув тартиблари, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кечишини сақлаб қолиш ғоясини илгари сурган (17 октябрь иттифоқи, монархистлар партиялари); *иккинчи томондан*, жамият ҳаётини қонуний воситалар ёрдамида ислоҳ этиш, давлат бошқарувини демократлаштириш талаблари билан чиққан (Конституциявий демократлар, Шўрои ислом, Тараққийпарварлар партиялари); *учинчи томондан*, амалдаги ҳокимиятни зўрлик, қурол кучи билан ағдариб ташлашни ёқлаб чиққан (социал-демократлар, социалист-инқилобчилар партиялари); *тўртинчи томондан*, ўлка, миллат ва халқнинг озодлиги, эрки ва мустақиллигини таъминлаш йўлида кураш олиб борган (Миллий иттиҳод, Иттиҳод ва тараққий, Эрк, Турк адами марказияти, Алаш партиялари).

10. XX асрнинг бошларида мустамлакачилик тузумининг инқирози, мамлакатга Европа ва Туркияда тарқалган илғор ғояларнинг кириб келиши, халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб етиши, жамият тараққиётига тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш учун турли тўғарак ва партияларга уюшиш эҳтиёжи Туркистонда кўппартиявийлик тизимини шаклланишига сабаб бўлган. XX аср бошларида Туркистон ўлкасида кўппартиявийлик тизими ниҳоятда қисқа вақт амал қилган бўлишига қарамай, сиёсий тизимни

демократлаштириш, халқнинг орзу-истакларини демократик йўл билан рўёбга чиқариш мумкинлигига умид уйғотган.

11. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда ҳамда Европа, Россия, Шарқ ва Осиё мамлакатларидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсирида рўй берди. Бу даврга, бир томондан, Чор Россияси, кейинчалик шўроларнинг Ўрта Осиё худудини тобора кўпроқ мустамлака исканжасига тортиши, бошқа томондан эса Ўрта Осиё халқларининг ўз эрки ва озодлиги учун баъзан яширин ва баъзан ошқора қонли курашининг кучайиши хосдир.

12. Тадқиқот ишида сиёсий партиялар дастурларида кўтарилган давлат ва ҳуқуқ масалаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ва баҳолашда партиялар қуйидагиларга қандай муносабатда бўлганлиги асосий мезон сифатида қаралди: умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги ҳисобга олинганлиги; халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига муносабати; миллий мустақил давлатчиликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш масаласининг қўйилганлиги; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг амалда таъминланишини кафолатланганлиги; халқларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига муносабати; Туркистон ўлкасининг кўп миллатли ва кўп конфессиялиги билан ҳисоблашиши; ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ эканлигини, ҳокимиятни қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиш принципини амалга оширишни эътироф этиши; қонун устуворлиги, фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, дини, жинси, миллати ва тилидан қатъий назар қонун ва суд олдида тенглигининг тан олинганлиги; Туркистоннинг давлат мустақиллигини ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишни босқичма-босқич амалга ошириладиган ислохотлар ўтказиш орқали таъминлаш ёки инқилобий йўл билан мақсадга эришиш йўли танланганлиги; ўлканинг ҳуқуқ тизимини барпо этишда унинг тарихий тажрибасини, миллий анъаналари, урф-одати, турмуш тарзини, этник таркибини, диний эътиқодини ҳисобга олиши; сиёсий партиялар ва уларнинг раҳбарларининг давлат ва ҳуқуқ масалаларида чор Россияси ва совет мустамлакачилигига муносабати; уларнинг туркистонликларнинг давлат мустақиллигини таъминлашга ва миллий ҳуқуқ тизимини ташкил этишга, бу борада миллатчилик ва буюк давлатчилик шовинизмига бўлган муносабати; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ва уларнинг амалга оширишини кафолатловчи ташкилий-ҳуқуқий институтлари: одил судлов, назорат, адвокатура органларини ташкил қилиш масаласига эътибор қаратилганлиги.

## **II. XX асрнинг биринчи чорагида Туркистондаги сиёсий партиялар дастурларида давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларнинг ифодаланишига оид назарий хулосалар**

13. Давлат ҳокимиятининг замон талабларидан ортда қолганлиги, халқ манфаатлари ва эҳтиёжларига жавоб бермаслиги, амалдорларнинг бойлик

тўплашга хирс кўйганлиги, фукароларга нисбатан адолатсизликка йўл кўяётганлиги, жамият тараққиётининг давлат олдига кўяётган талаблари инобатга олинмаслиги кўпчилик сиёсий партиялар томонидан кескин танқид остига олинган. Дастурларда давлат ва подшо ҳукумати мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий таназзулига сабабчи эканлиги, фақат мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, меҳнаткашлар оммасини эксплуатация қилишга кўмак бериши, маъмурий-буйруқбозлик аппаратига таяниб, халқ оммасидан тобора узоқлашиб бориши акс этган.

14. Сиёсий партиялар ташкил этилишининг пировард негизида ҳокимият масаласи турган. Партиялар ўзларининг табиати, келиб чиқиши, ташкилотчиларининг дунёқараши, қайси синф, табақа ва гуруҳларнинг манфаатини ифода этишига қараб сиёсий ҳокимиятга муносабатини билдирган ва шу асосда фаолият юритган. XX аср бошларида Туркистонда фаолият кўрсатган партияларнинг асосий мақсадини давлат ҳокимиятига даъвогарлик масаласи ташкил этган.

15. Туркистон ўлкасидаги маҳаллий партияларнинг мавжуд сиёсий-ҳуқуқий тузумга муносабати маълум тадрижий жараённи бошидан кечирган: дастлаб таълим тизимини ислоҳ қилиш, замон талабига жавоб берадиган миллий кадрлар тайёрлаш масаласи кўйилган бўлса, кейинчалик уларнинг дастурларида мавжуд давлат ва ҳуқуқ тизимини маҳаллий халқлар манфаатларидан келиб чиқиб ислоҳ қилиш ғояси илгари сурилган. Маҳаллий халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритиш Россия Федератив Демократик Республика таркибидаги «Туркистон Федератив Республикаси» худудий мухториятини ташкил этиш масаласи кун тартибига кўйилган.

16. Сиёсий партиялар ҳокимият масаласида турли-туман нуқтаи назарга эга бўлганлар. Ўша давр партияларининг ҳокимият тўғрисидаги ғояларини умумлаштирган ҳолда қуйидагича таснифланди: *биринчиси* – мавжуд ҳокимиятни мустаҳкамлаш, ҳар қандай ўзгариш, тараққиётни қабул қилмаслик йўлини тутган партиялар (монархистлар); *иккинчиси* – давлат ҳокимиятини демократик тарзда ислоҳ этиш, тадрижий тараққиёт йўлини тарғиб этувчи партиялар (конституциявий демократлар, Шўрои исломия, Алаш ўрда, Мусулмонлар иттифоқи); *учинчиси* – қонуний ҳокимиятни қуролли кўзғолон йўли билан ағдариб, ўзларининг идеалидаги давлат барпо этишни кўзлаган партиялар (социал-демократлар ва социалист-инқилобчилар).

17. Партиялар суд-ҳуқуқ масалаларини ҳал қилишга бир хилда ёндашмаганлар. Дастурларда суд тизимини ислоҳ этиш, маҳаллий халқ судларининг ваколатларини кенгайтириш, суднинг фақат қонунга бўйсунуши, суд ишларига бошқа органлар аралашувининг олдини олиш, жамиятда қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари ўз ифодасини топган.

18. Маҳаллий партиялар дастурларида суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятидан тўлиқ ажратилиши лозимлиги; барча фуқароларнинг суд олдида тенглиги; ваколатли суднинг қонуний кучга кирган ҳукмисиз ҳеч кимнинг жазога тортилмаслиги; судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги ҳамда маъмурият, жумладан адлия вазирлигининг судьяларни тайинлашга аралашмаслиги; судья лавозимини эгаллаш ва халқ маслаҳатчилигига сайланишда мулкӣ цензларнинг бекор қилиниши; одил судлов ва суд ҳар бир халқнинг одатларига мос бўлиши, судьялар маҳаллий халқ тилини билиши лозимлиги; аҳоли аралаш яшаётган ҳудудларда сўроқ қилиш ва одил судловни амалга ошириш мазкур ҳудудда кўпчиликни ташкил этган аҳоли тилида олиб борилиши; суд қарорлари зудлик билан ижро этилиши; одил судлов халқ маслаҳатчилари иштирокида олиб борилиши белгиланган.

19. Мустамлакачилик сиёсати, кучли давлатларнинг бошқа давлатлар устидан ҳукмронлиги ўрнатилиши, мустамлака халқларининг ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этилганлиги, ижтимоӣ, иқтисодӣ, сиёсий ва маданий ҳаётда тараққиётдан ортда қолиб келаётганлиги, қарамликда кун кечираётган аҳолининг оғир турмуш тарзи Туркистон сиёсий партияларининг дастурларида акс эттирилган.

20. Туркистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар дастурларида маҳаллий халқларнинг европалик халқлар билан тенг ҳуқуқлилиги, давлат ҳокимияти ва бошқарувида иштирок этиши, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқариши масаласи диққат марказида турган. Сиёсий партияларнинг халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи, федератив асосларда мухторият тузиш тўғрисидаги дастурий ғоялари ижтимоӣ-сиёсий тараққиётга мос ҳолда ривожланиб борган.

21. Мустамлакачилик сиёсий-ҳуқуқӣ тузумига барҳам бериш, кучли давлат ҳукмронлиги остида сиёсий, иқтисодӣ қарамликни бошидан кечираётган халқларнинг озодликка эришиши, ўзининг ҳаётини мустақил ташкил этиши, умуман давлат мустақиллиги ғоялари Туркистон маҳаллий партияларининг диққат марказида турган. Сиёсий партияларнинг халқлар ва давлатлар мустақиллиги масаласида тутган нуқтаи назари хилма-хил бўлган. Бу эса партияларнинг мақсади, аъзолар таркиби, қандай синф, табақа ва гуруҳларнинг, ёки бутун бир халқнинг манфаатларини ифодалаши билан боғлиқдир.

22. Туркистон сиёсий партиялари дастурларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини танқид қилиш, уларнинг таъминланишига эришиш масалалари ўз ифодасини топган. Дастурларда кишини киши томонидан эксплуатация қилишнинг кучайиши, жамиятнинг эзувчи ва эзилувчи синфларга бўлиниши, бир томон тўкин-сочинлик, айш-ишратда кун кечирса, иккинчи томон тўйиб овқат емасдан, очлик, қашшоқликда яшаши кескин танқид қилинади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини баргараф этиш чоралари белгиланади.

23. Маҳаллий партиялар дастурларида замонавий талабларга мос равишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан тартибга солиш,



унинг амалда таъминланишига эришиш тўғрисидаги ғоялар илгари сурилган ва шу йўлда кураш олиб борилган. Дастурларда инсоннинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини тан олиш ва амалда таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

### **III. XX асрнинг биринчи чорагида Туркистондаги сиёсий партиялар дастурларида давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларнинг ифодаланишига оид амалий хулосалар**

24. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасида кўзда тутилган қоидаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасини *«Бирор-бир сиёсий партия Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориши мумкин эмас»* лиги тўғрисидаги қоида билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

25. Жамиятни турли ҳаёлий ғоялар асосида ўзгартириш, мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумни қурол кучи билан ағдариб ташлашни тарғиб этувчи партия ва ҳаракатлар вужудга келишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996 йил 26 декабрь) қонунининг сиёсий партиялар тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига чекловларни кўзда тутувчи 3-моддасини *«жамиятнинг турли синф, табақа, гуруҳларга бўлинганлигини, улар орасида келиштириб бўлмас зиддиятлар мавжудлигини тарғиб этувчи»*, деган қисм билан тўлдириш таклиф этилади.

26. Яккапартиявийлик тизимининг ўрнатилиши жамиятнинг таназзулга юз тутишига олиб келиши, бир партиянинг мутлақ ҳокимияти ўрнатилишига йўл қўйилмаслигини кафолатлаш мақсадида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996 йил 26 декабрь) қонунининг сиёсий партиялар тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига чекловларни кўзда тутувчи 3-моддасини *«Бирор партия томонидан якка ҳокимиятчилик ўрнатишни, кўппартиявийлик тизимини бартараф этишни мақсад қилувчи»* деган қисм билан тўлдириш таклиф этилади.

27. Сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш муҳимлигини инобатга олиб, турли хорижий муассислар ёки ҳомийлар томонидан Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи сиёсий партияларнинг тузилиши ва фаолият кўрсатишини олдини олиш мақсадида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси 3-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ: *«Сиёсий партияларга, уларнинг ташкилотларига биттадан ортиқ банкда банк ҳисоб варақларига, шунингдек чет эл банкларида ҳисобварақларига эга бўлиш тақиқланади»*.

28. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришда Туркистон сиёсий партияларининг ҳаётий тажрибаси, мафкуравий плюрализми, аҳоли турли гуруҳ, табақалари талаб ва эҳтиёжларини ифодалашдаги фаолияти ва ютуқларидан самарали фойдаланиш таклиф этилади.

29. Туркистон сиёсий партиялари, айниқса маҳаллий партиялар қасқа муддат фаолият кўрсатган бўлса-да, кенг халқ оммасини ўз ортидан эргаштиришга муваффақ бўлгани, яъни партиялар ўзларининг кенг доирадаги электоратига эга бўлгани ўта муҳим ҳисобланади. Шу сабабли Туркистон сиёсий партияларининг халқ оммасини ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятини тарғиб этиш.

30. Партиялар тарихини ўрганиш бўйича махсус курс ташкил этиш ва унда Туркистонда фаолият кўрсатган партиялар, уларнинг давлатчилик ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғоялари бўйича алоҳида мавзунини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

31. Совет даврида яқка партиявийлик тизими ўрнатилганлиги, бошқа партия ва ҳаракатлар фаолияти қатъий тақиқланганлигига қарамасдан, бу даврда турли партия ва ҳаракатлар ташкил этилган ва фаолият кўрсатган, ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилган. Лекин ушбу партия ва ҳаракатлар жинсий ташкилот сифатида чекланганлиги боис, бугун уларнинг фаолиятини, дастур ва бошқа ҳужжатларини илмий тадқиқот объектига айланттириш мақсадга мувофиқ.

32. Туркистонда фаолият кўрсатган сиёсий партиялар ва уларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар ҳозирга қадар турли жинсий ишлар сифатида Давлат хавфсизлик хизмати архивларида сақланиб, кенг жамоатчилик эътиборидан четда қолмоқда. Шу сабабли, Туркистон сиёсий партияларининг таркиби, дастурлари ва бошқа илмий аҳамиятга молик материалларни ошкор этиш юзасидан ишчи гуруҳлар тузилиши лозим.

33. Туркистонда большевиклар яққаҳокимлиги ўрнатилиши маҳаллий партиялар аъзолари бир қисмининг хорижга чиқиб, Туркистоннинг давлат мустақиллигини таъминлаш, бу фаолиятга жаҳон оммасининг эътиборини қаратиш юзасидан иш олиб боришини тақозо этган. Шунинг учун маҳаллий партияларнинг хорижда фаолият кўрсатган аъзолари, уларнинг давлатчилик ва ҳуқуққа оид ғояларини илмий ўрганиш муҳим ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Уч.23.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ  
ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
АКАДЕМИЯ**

**АЗИЗОВ НИГМОНЖОН ПАРДАЕВИЧ**

**ВОПРОСЫ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА В ПРОГРАММАХ  
ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ ТУРКЕСТАНА В ПЕРВОЙ  
ЧЕТВЕРТИ XX ВЕКА**

**12.00.01 – теория и история государства и права;  
история правовых учений**

**АВТОРЕФЕРАТ  
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам**

**Ташкент –2018**

**Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером B2017.1.DSc/Yu1 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Докторская диссертация выполнена в Академии МВД Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного Совета ([www.dba.uz/uz/tad-i-otchilarga/ilmiy-kengash](http://www.dba.uz/uz/tad-i-otchilarga/ilmiy-kengash)) и информационно-образовательном ресурсе «ZiyoNET» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

**Научный консультант:** **Ташкулов Джурабай Уринбаевич**  
доктор юридических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Мухиддинова Феруза Абдужаббаровна**  
доктор юридических наук, профессор

**Маматов Худоёр Тешаевич**  
доктор юридических наук, доцент

**Тургунов Илхом Тургунович**  
доктор юридических наук

**Ведущая организация:** **Академия Генеральной прокуратуры  
Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.23.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Узбекистанская, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz)

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрировано № \_\_\_\_). (Адрес: 100003, Ташкент, улица Узбекистанская, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.

(протокол реестра № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Г.Р. Маликова**

Председатель Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук, доцент

**Г.С. Исмаилова**

Секретарь Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук

**И.А. Хамедов**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Возникновение политических партий в истории человечества имеет огромное значение в появлении возможности защиты интересов человека и народа, в отражении их требований и желаний. С повышением политико-правового сознания и культуры человечества потребность в политических партиях стала закономерностью социального прогресса. По этой причине научное исследование истории политических партий и связанных с ними социально-политических явлений во всем мире имеет актуальное значение.

Для Узбекистана, стремящегося занять достойное место среди развитых стран мира, реформирование политической и правовой системы общества в соответствии с требованиями времени, гарантированное обеспечение прав и свобод человека, усиление роли и значения политических партий как важного фактора развития институтов народовластия, совершенствование судебно-правовой сферы, повышение уровня социально-политического, правового сознания и культуры являются важными задачами.

Разработка научных решений проблемы повышения роли и значения политических партий в политической системе общества, их преобразования в важнейшее средство осуществления народовластия, приближения народа к государственной власти, установления многопартийной системы, совершенствования организационно-правового механизма формирования и деятельности политических партий имеет актуальное значение. Как утверждал Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиязев, «Еще один важный вопрос – для всестороннего изучения положения дел во всех сферах, разработки действенных мер и решения имеющихся проблем необходимо дальнейшее усиление роли палат Олий Мажлиса и политических партий»<sup>1</sup>.

Диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации норм Конституции Республики Узбекистан (1992), Конституционного закона Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны» (2007), законов Республики Узбекистан «О политических партиях» (1996), «О финансировании политических партий» (2004), «О парламентском надзоре» (2016), Указа Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» (2017), «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности» (2017), Распоряжений Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшей реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах» (2017), «Об организационных мерах по разработке проекта государственной

---

<sup>1</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису // Народное Слово, 2017. 23 дек.

программы по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» (2017), «Об организационных мерах по обеспечению своевременной и качественной разработки концепции совершенствования нормотворческой деятельности» (2018), а также повышению роли и значения политических партий в обществе, формированию многопартийной системы.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Настоящее диссертационное исследование соответствует приоритетному направлению «Ф1. Развитие общества, теория государства и права, конкурентоспособность экономики» государственной научно-технической программы прикладных исследований в Республике Узбекистан на 2017-2020 годы.

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>1</sup>.** Деятельность политических партий в первой четверти XX века, их борьба за независимость, идеи о государстве и праве частично изучались зарубежными научно-исследовательскими центрами и университетами. В частности, в университетах Гарвард, Лондон, Оксфорд (Великобритания), университетах Вашингтон, Нью-Йорк, Кембридж, Массачусетс, Чикаго, Техас, (США), университетах Бонны, Геттингск, Лейпцига, Мюнхена (Германия), Будапешт (Венгрия), Анкара, Стамбула (Турция), Сеула (Южной Кореи).

В результате проведения исследований, касающихся отражения вопросов государства и права в программах политических партий Туркестана в начале XX века, был сделан ряд научных выводов. В частности, были собраны, изучены и изданы программные документы политических партий, действовавших в начале XX века, фракций мусульман Туркестанского края, функционировавших в составе Государственной думы России в тот период, программы политических движений, боровшихся за независимость (Общество исследования Средней Азии, университетах Гарвард, Лондон, Оксфорд, Великобритания); проанализированы условия возникновения и ликвидации Кокандской автономии, захват автономии вооруженным путем большевиками, начало национально-освободительного движения в Средней Азии (в университетах Вашингтон, Нью-Йорк, Массачусетс, Техас, США); отсутствие условий для социалистической революции в Средней Азии, несформированность революционных движений, в результате чего «советизация» проходила только вооруженным путем, создание

---

<sup>1</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. *Cole J.D.H.* Capitalism in the Modern World. London, 1957; *Footman A.* The Russian Revolution. London, 1962; *Федченко П.* Новая «История КПСС». Исследования и материалы института по изучению СССР (серия 1-я, выпуск 56). Мюнхен, 1960; *Wren M.* The course of Russian History. New York, 1958; *Moorhead A.* The Russian Revolution. London, 1958; *Radkey O.* Alternativa of Bolshevism. The Programm of Russian Social-Revolutionary Party. →The Journal of Modern History», vol. XXV, New York, March 1953; *Пайпс Р.* Русская революция / Ричард Пайпс. – М.: Захаров. – 2005. Кн.2: 1917 – 1918. Большевики в борьбе за власть/ Пер.с англ.Н.Кигаи. – 716 с.; *Пайпс Р.* Русская революция / Ричард Пайпс. – М.: Захаров. – 2005. Кн.3 : 1918-1924. Россия под большевиками/ Пер.с англ.: М.Тименчика, Н.Кигаи. – 696 с.; *Hayit B.* «Basmacilar»: Turkistan milli mucadele tarihi (1917–1934). – Ankara: Turkiye diyanet vakfi yayinlari, 1997. – 367 s.

многонационального государства силами советского правительства (в университетах Кембридж, Чикаго США), Будапешт (Венгрия), Анкара, Стамбул (Турция); изучена деятельность и государственно-правовые воззрения основателей политических партий Туркестана, вопросы вооруженной борьбы народов Туркестана за свободу в университетах Геттинга, Лейпцига, Мюнхена (Германия), Сеул (Южная Корея), Париж (Франция).

На сегодняшний день в мире проведены ряд исследований, касающихся деятельности политических партий Туркестана и государственно-правовых идей в начале XX века. В частности, по таким приоритетным направлениям, как: возникновение национальных партий Туркестана, их состав, движущие силы и деятельность; программы и программные документы политических партий Туркестана; государственно-правовые взгляды и идеи основателей политических партий Туркестана.

